Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 14 сентябрь, чоршанба • № 75 (11.774) • Эркин нархда сотилади

БИТИМ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 25-27 май кунлари ХХРга ташрифи давомида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг шериклик муносабатлари тўғрисидаги Битим ратификация қилинди.

Миллий қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ ушбу ҳужжат республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан тасдиқланганидан сўнг ратификация қилинди.

Хитой Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорларидан биридир. Жадал суръатларда ривожланаётган икки томонлама ҳамкорлик иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳаларни қамраб олади ҳамда 120 дан зиёд давлатлараро ва бошқа шартномалар билан мувофиқлаштирилган.

1992 йилда имзоланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага асосан, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида шерикчиликнинг қулай муҳити яратилган. Ўтган йилда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 357 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди. Умуман олганда, сўнгги уч йил давомида Хитой билан товар айирбошлаш ҳажми тўрт баробар ортди.

Таъкидлаш жоизки, икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ташрифлар ва учрашувлар мунтазам равишда йўлга қўйилган. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Хитойга амалга оширган навбатдаги, бешинчи ташрифи шериклик ва дўстлик муносабатларининг янги тарихига салмоқли ҳисса қўшди. Ушбу ташриф давомида 24 та муҳим ҳужжат имзоланди. Ўтган йили эса ХХР Раиси Ху Цзинтао давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг шериклик муносабатлари тўғрисидаги Битимнинг ратификация қилиниши икки давлат ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаради, халқларимиз фаровонлиги йўлидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада фаоллаштиради.

«Жаҳон» АА.

ИСЛОҲОТ ВА АЁЛЛАР

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида «Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган ислоҳотларни амалга оширишда аёлларнинг ўрни ва роли» мавзуида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорликда ташкил этди.

Семинарда сўзга чиққан мазкур олий ўқув юрти ректори, академик Саидаҳрор Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори Васила Каримова ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан мавқеини янада юксалтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Президентимизнинг 2004 йил 25 май куни қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларни янги поғонага кўтаришда муҳим омил бўлаётир.

Фармонни ҳаётга жорий этиш баробарида хотин-қизларимиз мамлакатимизни янада равнақ топтириш, модернизация ва ислоҳ этиш, жамиятни демократлаштириш ва янгилашда фаол иштирок этаётир. Бунинг учун барча имконият муҳайё. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида, шунингдек таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият тармоқларида хотин-қизларнинг улуши ортиб бораётгани ҳам шундан далолат беради.

ЎзА.

Киши ўз касбини чин дилдан севса, иштиёқ билан меҳнат қилади, кундалик иш жараёни мароқли кечади. Умида Парпиева ўзининг кундалик меҳнатидан завқ олаётган касб эгаларидан биридир. У икки йилдан буён Оҳангарон туман ветеринария бўлимида лаборант вазифасида ишлаб келмоқда. Умида ўз касби билан туман чорвадорларининг оғирини енгил қилаётганидан мамнун.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Фармон ва ижро

ЯШАШ ҲУҚУҚИ – МУҚАДДАС

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари — энг олий қадрият. Мустақил Ўзбекистонимизда бу алоҳида мақом касб этди. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда демократик тамойилларни кенг жорий этиш учун зарур шарт-шароит яратилди. Конституциямизда белгиланган инсонпарварлик тамойиллари ҳаётимизда ўзининг тўлиқ ифодасини топаётир.

Истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари босқичма-босқич, изчил, тадрижий равишда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнининг мантиқий давоми бўлди.

Яқин ўтмишда жиноят кодексида ўлим жазоси назарда тутилган 30 дан ортиқ жиноят моддаси мавжуд бўлганлиги эътиборга олинса, бу ишларнинг аҳамияти янада яққол кўринади. Зеро, 2003 йилга келиб, жиноий жазо тизимининг эркинлаштирилиши натижасида фақат жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш ва терроризм учун ўлим жазоси сақлаб қолинди. Шу тариқа мустақилликдан кейинги йилларда ўлим жазосини тайинлаш имконияти 15 баробардан кўпроқ қисқарди. Бундан ташқари, содир этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар, вояга етмаган — 18 ёшга тўлмаган шахсларга, аёллар ва 60 ёшдан ошган шахсларга ўлим жазосини тайинлаш қонун йўли билан тақиқланган.

Шуни айтиш керакки, айрим демократик, иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳам ҳали бу борада амалий қадам қўйганлари йўқ. Жумладан, ўтган йили дунёнинг 64 мамлакатида судлар 7395 нафар жиноятчига нисбатан ўлим жазоси тайинлаган. Шундан 25 мамлакатда 3797 нафар жиноятчига нисбатан чиқарилган суд ҳукми ижро этилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро амнистия комиссияси тарқатган хабарга кўра, ўтган йили АҚШ олий суди бир нафар вояга етмаган фуқарога АҚШ Конституциясига зид равишда ўлим жазоси берган. Ҳозирги пайтда АҚШнинг 50 та штатидан 38 тасида ўлим жазоси қўлланилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, инсонпарварликка қаратилган ҳуқуқий сиёсат мустақил Ўзбекистоннинг амалий ютуқларидан биридир. Чуқур ўйлаб амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида юқорида таъкидланган фармон қабул қилинди. У 2008 йил 1 январдан кучга киради. Бу муддат ўта оқиллиги билан диққатга сазовор. Чунки ўлим жазосининг бекор қилиниши юзасидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилиб, Жиноят, Жиноят-Процессуал, Жиноят-Ижроия қонун ҳужжатларига ҳам тегишли ўзгартириш ва тўлдиришлар киритилади. Бунда, албатта, Президент Фармони ҳамда бу борадаги халқаро меъёрий талаблар асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда шу давр мобайнида умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларни сақлаш учун зарур ихтисослаштирилган муассасалар барпо этилади. Уларда ишлаш учун малакали кадрлар тайёрланади.

Инсоннинг яшашга бўлган ҳуқуқи ҳамиша муқаддасдир. Президентнинг ана шу ҳуқуқни таъминлашга қаратилган Фармони узоқни кўзлаб амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг яна бир ёрқин намойишига айланди.

Бахтиёр АТАМАТОВ,
Тошкент вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи.

Лондондаги нуфузли «Дорчестер» меҳмонхонасида «2005 йил банки» совринининг тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.

«Асака» — Ўзбекистоннинг энг зўр банки

«Йилнинг банки» соврини Британиянинг «The Financial Times» нуфузли газетаси ва «The Banker» халқаро ихтисослашган журнал ташаббуси билан 1999 йилда таъсис этилган. Соврин танлови жаҳон банкларининг йил давомидаги молиявий кўрсаткичлари, тараққиёт стратегияси, банк хизмати бозоридаги муваффақиятлари ва бошқа мезонлар асосида ўтказилади. Бизнес тармоғининг етакчи мутахассислари ва нашр таҳририяти вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат халқаро миқёсда 25 номинация бўйича ғолибларни аниқлайди ҳамда 130 дан зиёд мамлакатнинг энг зўр банкларини эътироф этади.

«Асака» банки «Ўзбекистонда йилнинг банки» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Буни аниқлашда банкнинг Ўзбекистон бозоридаги етакчи мавқеи, баланс кўрсаткичлари, бошқарув тизими, янгиликлар жорий этиши, ходимлар малакаси ҳамда кўрсатиладиган хизматлар сони ва сифати инобатга олинди.

«Жаҳон» АА.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ОИЛА — ТАБАРРУК ҚЎРҒОН

Тошкент вилояти «Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш маркази» ҳамда «Соғломлаштириш» миллий маркази ўзаро ҳамкорликда «Оила — муқаддас қўрғон» мавзуида давра суҳбати ўтказишди.

Суҳбатда «Оила психологияси», «Оила — муқаддас қўрғон», «Ўсмир қизлар гигиенаси», «Ислом динида хотин-қизлар сиймоси» маърузалари Қибрай молия-иқтисодиёт коллежи ҳамда Қибрай академик лицейи ўқувчилари томонидан қизиқиш билан тингланди.

Мулоқот якунида «Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш» маркази ташаббуси билан «Билимдон қизлар» клубини тузиш ҳақида келишиб олинди.

Йиғилишда вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

Сайёра РИҲСИЕВА.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

«Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан Янгибозор марказий ўйингоҳида туман ҳокими кубоги учун футбол бўйича мусобақа ташкил этилди.

Унда Юқоричирчиқ туманидаги 22 та маҳалла, 10 корхона ва ташкилотдан 32 та футбол жамоаси иштирок этди. Майдонда 480 нафар ёш футболчи ўзаро кураш олиб борди.

Қизғин курашлар остида ўтган мусобақада Янгибозор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Ўзбекистон» маҳалла жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Фахрли иккинчи ва учинчи ўринлар туман «Электр алоқа» ҳамда «Электр тармоқлар» корхоналари жамоаларига насиб этди. Фахрли ўринларни эгаллаган жамоаларга туман ҳокими кубоги ҳамда дипломлар топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

КИНОТЕАТР ЯНА ТОМОШАБИНЛАР ХИЗМАТИДА

Пскент туманида бир неча йиллар мобайнида фаолият олиб бормаётган кинотеатр қайта таъмирдан сўнг киномухлислар ихтиёрига топширилди.

Туманда жойлашган мазкур кинотеатр деярли 10 йилдан бўён ўз фаолиятини тўхтатган бўлиб, бутунлай хароб ҳолга келиб қолган эди. Маҳаллий тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати билан ушбу маданият ўчоғи жорий йилда бутунлай таъмирдан чиқарилди.

Ёшларнинг бўш вақтларини шу масканда ўтказиши турли хил жиноий ишларга қўл урмаслигини таъминлайди, — деди ташкилотчилар. Компьютер хонаси, тренажёр ва бокс заллари ҳам ёшларимиз хизматида бўлади.

«Туркистон-пресс».

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Халқ-демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Алия Юнусова Бекобод туманидаги Навоий номли ва «Далварзин» ширкат хўжаликларида сайловчилар билан учрашди.

Депутат ярим йил давомида ўзи олиб борган ишлар ҳақида ахборот берди. Учрашувда, шунингдек, Қонунчилик палатаси ва партия фракциясида иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни жадаллаштириш бўйича мавжуд ва тайёрланаётган қонун ҳужжатлари ҳақида сўз борди.

Анжуманда Ўзбекистон Халқ-демократик партиясидан Тошкент вилояти кенгашига депутат М. Аъзамов, Бекобод туман халқ депутатлари кенгашига депутатлар М. Ҳошимов, Р. Бегимқулов, М. Зокиров, М. Ҳасанов ҳам жойларда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришди.

Депутатлар сайловчиларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Баҳодир ВАҲОБОВ.

«Ўзэкспомарказ» мажмуида «O`zbek in print» ва «O`zupask» матбаа маҳсулотлари, нашриёт иши, реклама ва этикетка халқаро кўргазмаси очилди. Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган бу кўргазма Ўзбекистон-Россия «ПолРос» қўшма корхонаси ва «Ўзэкспомарказ» мажмуи ҳамкорлигида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Россия Федерациясининг юртимиздаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

МАТБАА МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда, барча соҳаларда бўлгани каби, нашриёт-матбаа, полиграфия соҳасини тубдан ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини таъкидлашди.

Кўргазмада юртимизнинг «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Чўлпон», Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйлари, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси каби ўттиздан зиёд нашриёт-матбаа корхоналари, компаниялари, ижод уйлари маҳсулотларига кенг ўрин берилган.

Шунингдек унда матн, суратли ахборот ва рангли ишлов учун мўлжалланган жиҳозлар ва компьютер технологиялари, энг янги матбаа машиналари ва замонавий технологиялар, ёрлиқ ва қоғоз-картон учун материаллар, оргтехника жиҳозлари, турли матбаа маҳсулотлари билан танишиш мумкин.

Бу галги тадбир доирасида халқаро полиграфия саноати форуми, полиграфия соҳасини ривожлантиришга оид анжуман ва семинарлар ўтказилади. Айни пайтда кўплаб қўшма корхоналарнинг янги лойиҳалари тақдимоти, ишбилармон доираларининг учрашувлари бўлиб ўтади. Замонавий дизайн ва матбаа соҳасидаги ёш ва изланувчан мутахассисларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда полиграфия маҳсулотлари сифатини ошириш мақсадида «2005 йилнинг энг яхши этикеткаси» ҳамда «Dizayn va Muhr» номли кўрик-танловлар ташкил этилади.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Орипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Пахта – 2005

ТЕРИМЧИ ҲАҚИНИ ХИРМОН БОШИДА ОЛАДИ

Ўтган йили икки-уч туман ва саноқли хўжаликлардагина давлатга пахта сотиш шартнома режаси уддаланди. Қолган туман ва хўжаликлар шартнома мажбуриятларини барбод қилиб, вилоятни ҳам орқага тортдилар. Бунинг асосий сабаби — йиғим-теримни ташкил этишда хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Аслида далаларда шартномани қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилган эди. Фақат мавжуд барча куч ва имкониятларни тўғри тақсимлаб, оммавий сафарбарликни таъминлаш лозим эди, холос. Ана шунда нафақат туман ва хўжаликлар, балки вилоятнинг ҳам контрактация шартномасини ортиғи билан бажариши аниқ эди.

Бундай дейишимизнинг боиси бор. Масалан, ўтган йили режани уддаламаган Ўртачирчиқ туманида ҳам пахтачилик барқарор тармоққа айланган. «Қорасув», Охунбобоев номли, «Янги тўлқин» каби хўжаликлар мавсумни ёруғ юз билан якунлади. Бунинг боиси юқорида таъкидлаганимиздек, аввало, далаларда мўл ҳосил етиштириш билан бирга, терим билан боғлиқ барча зарур тадбирлар оқилона ва пухта ташкил этилди. Буни «Янги тўлқин» ширкат хўжалиги мисолида яққол кўриш мумкин.

Хўжаликда асосан уруғлик пахта етиштирилади. Бу эса фақат қўл теримига зўр беришни талаб этади. Шунинг учун раҳбарият четдан келган ҳашарчиларни ҳам, маҳаллий аҳолини ҳам моддий рағбатлантириш орқали суръатни ошириш чорасини кўрди. Те-

(Давоми 3-бетда).

2006 йил учун обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда марказий кенгаш аъзолари, ёшлар ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими кенгашлари раислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

«КАМОЛОТ» МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

Марказий кенгаш раиси Б.Убайдуллаев бошқарган мазкур тадбирда мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида улғайиб келаётган авлодни маънавий жиҳатдан етук, жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Ёшлар орасида оммавий спортни, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, йигит-қизларнинг тиббий-ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш ва касбга йўналтириш, вояга етмаганларнинг жиноят кўчасига кириб қолишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Жойлардаги тегишли ташкилотлар кўмагида бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш яхши анъанага айланди. Бундай тадбирлар натижасида биргина жорий йилнинг ўтган олти ойида ўн бир минг нафардан кўпроқ йигит-қиз мавсумий ва доимий иш билан таъминланди. Ёшлар ташкилотлари тизимида иш юритаётган касб-ҳунар ўргатиш, спорт ва бошқа йўналишлардаги ижтимоий марказларга қарийб саккиз юз нафар ёш бепул, беш юздан кўпроқ йигит-қиз имтиёзли равишда жалб этилди.

Жорий йил илк бор ёшларнинг турли муаммоларини ечиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қўмаклашишга йўналтирилган амалий ва маърифий лойиҳалар учун «Камолот» грантлари танлови ўтказилди. Бу маблағлар ёшлар, саломатлик ёки тарбияси оғир ўсмирлар билан ишлаш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш, жойларда спорт майдончалари, тренажёр заллари, компьютер, чет тили, касб-ҳунар ўргатиш курслари ва бошқа ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли фаолият йўналишларига сарфланяпти.

Йиғилишда эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам атрофлича таҳлил этилди. Ёшлар ташкилотлари ҳамда таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида бажарилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

ШАҲАРЛАР ЭКОЛОГИЯСИГА МУСАФФОЛИК

Республика ўқувчилар саройида «Шаҳарлар экологияси мусаффо бўлсин» мавзуида жаҳон фотоижодкорлари асарлари кўргазмаси очилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Британия Кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорликда ташкил этди.

Сайёрамизда рўй бераётган турли табиий офатлар, иқлим ўзгариши, чўлланиш, биохилмахилликнинг камайиши билан боғлиқ экологик муаммолар жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига жалб этмоқда. Уларнинг олдини олиш, инсон ва табиат ўртасида мувозанатни сақлаш мақсадида барқарор ривожланишга хизмат қиладиган замонавий техника ва технологиялардан амалда кенг фойдаланиляпти. Мазкур кўргазмадан жой олган асарларда жаҳоннинг саноати тараққий этган мамлакатларида ана шу йўналишда олиб борилаётган ишлар ўз акси топган.

ЎзА.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Фанлар академиясининг академик В.И.Романовский номидаги математика институти ҳамкорлигида операторлик алгебралари ва квант эҳтимоллар назариясининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда юртимиз олимлари билан бирга, Россия, Хитой ва Қозоғистондан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда математика фанининг турли йўналишлари, айниқса унинг эҳтимоллар назарияси ва функционал анализ йўналишларида жиддий муваффақиятларга эришилаётгани таъкидланди. Статистик физиканинг долзарб масалалари, фаза алмашиш назарияси муаммолари, эҳтимоллар назариясининг ўтмиши, бугуни ва келажаги билан боғлиқ мавзуларга оид маърузалар тингланди. Фаннинг мазкур йўналишида мамлакатимиз ва хориждаги етакчи илмий марказлар тажрибасини ўрганиш бўйича фикр алмашилди.

ЎзА.

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорлари ширкати тўғрисида»ги қонуни асосида ушбу нодавлат тузилмаларини шакллантириш ишлари ниҳоясига етмоқда. Бу уй-жой эгалари билан коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида муносабатларни тартибга солиш ва такомиллаштириш имконини бермоқда.

МУНОСАБАТДАГИ ЎЗГАРИШ ТУФАЙЛИ

Бироқ, улар фаолиятида турли камчиликлар ҳам мавжуд. Аввало, кўпгина бундай тузилмалар номигагина ташкил этилган, юзаки иш олиб борар, аксарият жойларда ширкатлар ўз имкониятларини ҳисобга олмай, кўп хонадонли уйларни кўпроқ бириктирган, меҳнат қилаётган ходимларининг аксарияти соҳадан умуман йироқ мутахассислар эди. Бунинг оқибатида кейинги вақтларда кўп хонадонли уй-жойларда қатор муаммолар келиб чиқмоқда. Кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш қониқарсиз аҳволга тушиб, тўлов интизоми пастлигича қолмоқда эди.

Республикамиз Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳада олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш, содир бўлаётган камчиликларни бартараф этиш йўл-йўриқларини аниқ кўрсатиб берди. Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманлари қатори Янгийўл шаҳрида ҳам ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, дастлаб шаҳардаги барча кўп хонадонли турар жойлар аҳолисининг ижтимоий аҳволи ўрганилди. Уйларнинг жойлашуви, техник тавсифномалари инобатга олинди. Шундан кейин нечта ширкат ташкил этиш лозимлиги кўриб чиқилди. Тўққизта уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузиш тўхтамига келинди. Аъзолар иштирокида ўтказилган йиғилишларда тузилмалар раҳбарлари сайланди.

Ширкатларнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш, уй-жой мулкдорларининг турли масалалар бўйича мурожаатларини тез кўриб чиқиш мақсадида шартли равишда ширкатлардан иборат округлар ташкил этилди ва уларга шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари раҳбар этиб бириктирилди.

Мавжуд кўп хонадонли уйларнинг ҳар бири учун паспорт тутилган. Унда уйни тавсифловчи барча маълумотлар жамланган. Кўп хонадонли уйларнинг ҳар бир йўлагига уй тахталари ўрнатилган бўлиб, унда шу уйларда яшовчи оилаларга доим зарур бўладиган маълумотлар — тегишли ва ҳомий корхоналар, ташкилотлар раҳбарларининг исм-шарифлари, телефон рақамлари ва бошқа шу каби маълумотлар қайд этилган.

Кўп хонадонли турар жойларда уй катталари тайинланган. Улар 2001 йилда уй эгаларининг умумий йиғилишларида сайланган эди. Шу йилнинг июнида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиб, уй катталарининг ҳисоботлари тингланди ва айримлари қайта сайланди. Зиммасидаги жамоатчилик вазифасини уддаламаётганлари ўрнига янгилари келди. Айни вақтда уларга ҳамма масалаларда ёрдам бериш учун йўлак (подъезд) катталари ҳам сайланди. Шундай қилиб, бу соҳада ўзига хос бирбирига боғланган занжирли тизим вужудга келди. Хонадон соҳиби ўз уйидаги аҳвол тўғрисида йўлак каттасига, у эса ўз йўлаги бўйича уй каттасига, уй каттаси турар жой мулкдорлари ширкатига ахборот беради, ширкат раҳбари эса тўпланган маълумотни ўз навбатида ҳокимликдан бириктирилган масъул ходимга етказади.

Шаҳарда 235 та кўп хонадонли уйлар мавжуд бўлиб, 202 таси 1991 йилгача қурилган. Бундай уйларни мукаммал таъмирлаш режа асосида олиб борилмоқда. Ўтган йили 42 та турар жой мукаммал таъмирланган эди. Бу йил ҳам камида шунча бинони қўлдан чиқариш бўйича ишлар бир маромда олиб борилмоқда. Ўтган ярим йилликда 19 та кўп хонадонли уй мукаммал таъмирдан чиқарилди, 15 та уйда иш давом этмоқда. 300 дан ортиқ йўлак ва чордоғларга темир эшиклар ўрнатилди. Ертўлалари тозаланиб, қуритилди. Томлари таъмирланиши лозим бўлган барча уйларда ҳам иш қизғин бораяпти. Бу ишлар аҳолининг техник хизматлар учун тўлаган маблағлари, ҳомийлар ёрдами ва тадбиркорлик билан топилган маблағлар ҳисобидан амалга ошириляпти.

Аноркулов даҳасидаги мавжуд 14 та кўп хонадонли уйларни таъмирлаш ниҳоясига етказилди. Уйлар атрофи турли чиқиндилар, супуриндилардан тозаланди, йўлаклар тартибга келтирилиб, бўялди. Уйларнинг олд қисми тўла таъмирланди, улар атрофида болалар учун спорт майдончалари ташкил қилинди.

Шуниси диққатга сазоворки, таъмирлаш ишлари давомида коммунал хизматлар учун тўланган ҳақнинг бир қисми ўзлари яшаётган уйларни таъмирлаш, улар атрофини ободонлаштиришга ажратилишини тушунтириш юзасидан аҳоли ўртасида олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари сезиларли самара берди. Улар тўловларни вақтида тўлай бошладилар. Жумладан, Аноркулов даҳасида таъмирлаш ишлари бошланишига қадар техник хизматлар учун тўловлардан қарздорлик 10 миллион сўмдан ортиқроқ бўлса, таъмирлаш ишлари олиб борилган 15 кун ичида 6 миллион сўмгача камайди. Ҳозир тушунтириш ишлари «Ўткир» уй-жой мулкдорлари ширкатида давом этмоқда. Бу ерда ҳам техник хизматлар учун тўловлар анча кўпайди. «Қалдирғоч» уй-жой мулкдорлари ширкати тасарруфидаги кўп хонадонли уйларда бир ойлик тўлов миқдори 1,1 миллион сўм бўлгани ҳолда июнда йиғилган маблағ ҳажми 1,3 миллион сўмга етди. Белгиланган тартибга мувофиқ коммунал хизматлар ҳақи тўлиқ тўланса, унинг 15 фоизи, тўртдан уч қисмидан ортиқ тушган маблағнинг 7 фоизи кўп хонадонли уй-жой мулкдорлари ширкати ихтиёрида қолади.

Собир ҲАМИДОВ.

ЁШЛАР ФОТОКЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида «Эврилиш» бадиий фотография кўргазмаси очилди. У Тошкент Фото уйи томонидан ташкил этилди.

«Ёш фото» туркуми доирасида ўтаётган кўргазмада ёш фотографлар Марина Богатирева ва Ҳамдам Шораҳмедовнинг қиркдан ортиқ иши намойиш этилмоқда.

Санъатшуносларнинг фикрича, бу фотографларни изланиш, тажрибага интилиш, дунёга ўз нигоҳи билан қараш хусусиятлари бирлаштиради. Уларнинг кўзланган мақсад сари ҳаракатида ўз ифодасини топган ишга ёндашуви ҳам умумий жиҳат саналади, лекин уларни фотографияга олиб келган йўллар турлича. Тасвирчи-рассом ва график Марина ўз воситаларини кўпайтирди холос, Ҳамдамнинг касби эса кинооператор. Аввалги касблари уларнинг ижодини фақат бойитади.

Марина Богатиреванинг асарлари республика ва халқаро кўрагазмаларда муваффақиятли намойиш этилган. 2004 йилда у «Ўзбекистон: севги изҳори» фототанловининг Гран-при соҳиби бўлган.

Ҳамдам Шораҳмедов фотосанъатида полиэкран услубини изчил қўллаб, майдонни эгизак кадрлар билан тўлдиради. У кўп китоблар ва фотоальбомлар нашрида иштирок этган. Унинг иши «Foto & Video» обрўли халқаро журналида «Таниш мавзу» танлови натижаларига кўра энг яхши суратлар қаторида эълон қилинган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили

ҚАДР-ҚИММАТ МЕЗОНИ

Ўртачирчиқлик Тошпўлат ака 10 йилдирки, ногиронлик аравачасига михланиб қолган. Автомобилда содир бўлган бахтсиз ҳодиса уни шу аҳволга солган. Бироқ, ҳамқишлоқлари, маҳалладошлари уни ёлғизлатиб қўйишмайди, ҳолидан доимо хабар олиб туришади, рўзғоридаги кам-кўстларни тўлдириб беришади.

Туман ижтимоий таъминот бўлими эса бир қатор имтиёзлар жорий этган. У кишига бириктирилган потранаж ҳамширалар уй юмушларини бажариб, соғлигидан хабардор бўлишади.

— Ана шундай пайтларда менга кўрсатилаётган бундай эътибордан қалбим тоғдек кўтарилади ва мен инсонлар орасида ҳали меҳр-оқибат деган туйғуларнинг боқий яшашига ишонаман, — дейди Тошпўлат ака. — Қолаверса, биз қураётган жамиятда инсон қадр-қиймати бош омил эканлиги, ўзининг ожизгина бир фуқаросини ҳимоялаётган бундай давлатнинг гуллаб-яшнашига имоним комил.

Ёлғиз ногиронга кўрсатилаётган меҳр-мурувват кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Биргина, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан бу борада амалга оширилаётган ибратли ишлар бунга яққол мисол бўла олади.

Хусусан, «Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан бошқарма ўзининг дастурий режасини ишлаб чиққан бўлиб, уни амалга ошириш йўлида бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Жумладан, вилоят тиббий меҳнат экспертиза комиссияси асосий ҳамкорлардан биридир.

Шу йилнинг ўзида 1009 нафар пенсионер ва ногирон, 2150 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари ўз соғликларини тиклаш учун оромгоҳларга юборилди. Ногиронларга протез-ортопедия буюмлари етказиб бериш борасида ҳам қатор амалий ишлар қилинди. Саккиз ой давомида 464 нафар ногирон 803 та ана шундай воситалар билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, белгиланган имтиёзларга кўра 1892 нафар ўзгалар парваришига муҳтож фуқаролар 91,7 миллион сўмлик 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва кир ювиш воситалари билан таъминлаб борилмоқда.

— Ана шу тоифадаги кексаларимиз учун ижтимоий хизмат турлари ҳам ташкил этилган, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шоҳида Мирзакаримова. — Айни кунда 2695 нафар ёлғиз қарияларга шундай хизмат турлари йўлга қўйилган бўлиб, улар учун ижтимоий таъминот бўлимларидан 298 та ходим бириктирилган. Шунингдек, Қизил Ярим Ой жамиятининг потранаж ҳамширалари ҳам кексалар соғлигидан доим бохабарлар...

«Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан вилоятдаги ижтимоий ҳамояга муҳтож кексаларни ҳар тарафлама қамраб олишга эришилди.

Равшан РУСТАМОВ.

ЎҚУВЧИЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Тошкент туманидаги Сарке маҳалласи ёшлари ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Ҳудуддаги 29-ўрта мактаб учун қўшимча 140 ўринли янги ўқув биноси қуриб битказилди. Айни вақтда мазкур муассаса бир вақтнинг ўзида 320 ўқувчини қабул қила олиш имкониятига эга бўлди.

— Янги ўқув биносига эҳтиёж катта эди, — дейди фахрий муаллим Зулфиқор Ҳолиқов. — Туман мутасаддилари ва ҳомийлар кўмаги билан ўқувчилар орзуси ушалди, улар учун янги имкониятлар ҳозирланди.

Дарҳақиқат, қулай ва замонавий ўқув биноси 4-кўчма механизациялашган колонна томонидан қисқа фурсатда бунёд этилди. Ботир Усмоналиев бошчилигидаги қурувчилар жамоаси бинонинг талаб даражасига келишида жонбозлик кўрсатди.

Муассасанинг очилиш маросими ўзига хос тантана тусини олди. Туман ҳокимлиги ва маҳалла аҳли мактаб қурилишида иштирок этганларга алоҳида миннатдорчилик билдиришди.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТЛАРДА: мактабнинг очилиш маросимидан лавҳалар.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Сиҳат-саломатлик йилида Бўстонлиқ туман шифокорлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш учун барча имкониятларни ишга солишяпти. Бу борада марказий шифохона ходимлари алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда.

СУРАТДА: марказий шифохона шошилинч тиббий ёрдам бўлимининг мудири Ҳусниддин Боймаев ва ҳамшира Фотима Ашрапова беморга тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Соғлигингиз ўз қўлингизда

«МАДАНИЙ ОҒУ» ИСИ

Чекиш — бугунги кунда дунё миқёсида долзарб муаммога айланиб бормоқда. Унга қарши кураш кучайтирилиб, муаммога ечим топишга ҳаракат қилинмоқда.

Гарчи чекиш спиртли ичимликларни истеъмол қилишдан кўра хавфсизроқ ҳисобланса-да, жуда кенг тарқалган зарарли одатдир. Ҳозир чекувчиларнинг деярли ҳаммаси бу «маданий заҳар» қанчалик салбий таъсир этишини тасаввур қила олишмайди. Шу боис, маданиятли кишилар ҳам чекишади ҳамда онгли ва ихтиёрий равишда ўзларини заҳарлайдилар.

Жамоатчилик бу зарарли одатни кам муҳокама қилади ёки, умуман, эътибор бермайди. Аслида кашандалик ҳам гиёҳвандликнинг бир туридир. Тамаки тутунидан кўп зарарли моддалар ажралиб чиқади, бу эса, одам танасига, айниқса, болаларга, атроф-муҳитга ёмон таъсир кўрсатади. Тамаки тутуни асаб, томир тизимларини, нафас йўлларини ишдан чиқаради. Натижада чекадиган одам салга толиқади, ишнинг сифати, меҳнат самарадорлиги пасаяди.

Чекиш сабабларидан бири кичик ёшдаги ўқувчилар севимли ўқитувчиларига, ўзларидан катта ака ва дадаларига тақлид қилишади. Ўсмир ёшдагиларда эса, биринчи навбатда «мода»дан ортда қолмаслик, атрофдагилардан устунликка эришиш истаги, уйдаги ва мактабдаги тартибларни ёқтирмаслик ҳолатлари кузатилади. Мактаб ўқувчилари орасида «ҳокимлик ва тобелик» муносабатлари вужудга келади, гуруҳ бўлиб чекиш одат тусига кириб қолади. Кўпчилик болалар чекишни 11-14 ёшда бошлашлари тасодиф эмас. Шу ёшда уларнинг иродалари эгилувчан бўлади ҳамда ҳар нарсага қизиқувчанлиги ортади. Ҳаётга бошқа кўз билан қарай бошлашади.

Чекиш — маданиятсизлик аломатидир. Ўзингизни маданиятли ҳисобласангиз, кексалар олдида чекиш одобдан эмаслигини, болалар орасида эса, чекиш инсофсизлик эканлигини унутмаслик керак.

Гўзал ҚУРБОНОВА,
Саломатлик институти вилоят филиалининг йўриқчиси.

ФОНД БОЗОРИДА — БАНКЛАРАРО САВДО

Қимматли қоғозлар бозорида янги тузилма – банкларо савдо тизими пайдо бўлди, у Ўзбекистон банклар уюшмаси ҳузурида ташкил этилди.

Мазкур тузилма ташкилотчиларининг айтишича, эмитентлар ва андеррайтерлар корпоратив облигацияларни жойлаштиришда турли қийинчиликларга дуч келмоқда. Шу сабабли банкларнинг қимматли қоғозларни бирламчи жойлаштириш бўйича хизмати қимматга тушмоқда.

Банклар эмитентдан облигацияларни сотиб олган ҳолда ҳам, улар билан самарали савдо қила олмай, ўзида сақлаб қолмоқда. Бундан ташқари, фаол иккиламчи бозорнинг йўқлиги облигацияларнинг бозор нархини белгилаш ва уларнинг котировкасини ташкил этиш имконини бермаяпти. Банкларо савдо тизими (БСТ) фаолияти ана шу муаммоларни ҳал этишга қаратилади.

Қимматли қоғозлар бозоридаги бу янги электрон савдо тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида жорий этилмоқда. У фонд бозорида банкларнинг фаолиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Банкларо савдо тизими раҳбари Ш. Тўраев БСТ биржадан ташқари савдолар ва клиринг хизмати ташкилотчиси эканлигини айтиб ўтди. Яқинда бу тузилма Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази лицензиясига эга бўлди, шунингдек, Давлат марказий депозитарийси билан ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди.

Янги савдо тизимининг ўзига хослиги шундаки, у рақобат афзалликлари ва самарали фаолиятни таъминлайди. БСТ республика фонд биржасига муқобил ҳисобланади. Шу боис, янги савдо ташкилотчиси фаолиятининг соддалаштирилган механизми яратилган: жумладан, унга инвестиция воситачиси лицензияси талаб этилмай савдо қилиш имконияти берилган, пул маблағларини олдиндан депонентлаш талаб этилмайди, савдо трайдерларнинг турли масофадаги иш жойларидан ташкил этилган, барча ахборот электрон шаклда узатилади, эмитентлар ўз қимматли қоғозларини мустақил сотиши ва сотиб олиши мумкин, ҳисоб-китоб савдо амалга ошган куниёқ бажарилади, савдонинг борили ва тузилаётган битимлар тўғрисидаги ахборот тезда маълум қилинади ва тарифлар битим ҳажмига боғлиқ бўлмайди.

Банкларо савдо тизими корпоратив облигацияларни бирламчи жойлаштиришни бир неча савдо сессиялари давомида ва энг кам харажат билан амалга ошириш имконини беради. Банкларда қимматли қоғозлар билан операцияларнинг бухгалтерия ҳисоб-китобига келсак, у молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига жавоб беради.

БСТ эмитентлар, инвесторлар ва профессионал иштирокчиларнинг корпоратив облигациялар бозоридаги инвестиция фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Нишондорларимиз



БОЛАЛАРНИНГ БЕГОНАСИ ЙЎҚ

Бундан бир неча йил аввал Янгийўл шаҳридаги «Кичкинтой» вилоят меҳрибонлик уйига эндигина атак-чечак қила бошлаган норасида болани ташлаб кетишади. Гўдакнинг аҳволи ўта аянчли эди: баданларига яра-чақалар тошган, ўзи эса хуружли касалликларга чалинган. Суриштирувлардан сўнг маълум бўлишича, бола носоғлом муҳитда туғилган, қаровсиз ташлаб қўйилган. Ҳаттоки, ҳафталаб оч қолдирилган, унинг тақдири афсуски, ҳеч кимни қизиқтирмаган...

Меҳрибонлик уйининг фидокор тарбиячи ва шифокорлари саъй-ҳаракатлари билан боланинг ҳаёти сақлаб қолинди, саломатлиги тикланди. Ҳозир шу бола бахтли бир оиланинг эрка ўғлони бўлиб камол топмоқда.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Тақдир йўлларида адашиб, бебош кўчага кириб қолган баъзи катталарнинг хатолари оқибатида, кўп ҳолларда норасидалар азият чекадилар. Давлатимизнинг доимий ғамхўрлиги ва эътибори туфайли махсус меҳрибонлик уйлари уларни ўз бағрига, ҳимоясига олмоқда.

«Кичкинтой» меҳрибонлик уйида бўлганимизда, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Бу ерда 58 нафар киччкинтой тарбияланмоқда. Улар кўнгли ялиғ оқ либос кийган маскан тарбиячиларини ўз оналари деб билишади, улар ҳам гўдакларни ўз фарзандларидек ардоқлашади. Жамоага фидойи ва меҳрибон инсон, болалар шифокори Тоҳира Исмоилова етакчилик қилиб келмоқда.

У кишини меҳрибонлик уйи ҳовлисида илк бор учратиб танишгач, бироз ҳайратландик. Бу самимий аёл бош шифокорга эмас, кўпроқ оддий тарбиячига ўхшарди. Атрофи болалар билан гавжум, мурғак қалб эгалари ўз онажонларини бир зум бўлса ҳам ҳоли қўйишмасди.

Болажонлар ҳузурларига меҳмон келганини билиб, дарров маскан ҳовлисини бадиий базмхонага айлантириб юборишди. Ҳусан исмли болакай авжи билан қўшиқ қуйлади, Диёра исмли қизалоқ раққса тушди. Озодбек Ватан ҳақида шеър ўқиди, яна бир гуруҳ болажонлар халқ оғзаки ижоди термаларидан олишди...

— Баъзан бир яроқ бевақт ҳазон бўлса, юрагинг жумбушга келади, — деди бош шифокор ўз тарбияланувчилари тақдири ҳақида гап очиб. — Бу қарокўзларнинг барчаси сизу бизга ўхшаган, тўлатўкис ҳаёт кечиришга, бахтиёр яшашга ҳақли. Буларнинг ҳар бирини бахтиёр ўғил-қизга айлантира олсак, ўтган ҳар кунимиз беиз кетмаган бўлади, буларга берган меҳримиз, ҳаловатимиздан минг бора рози бўламиз.

Дарҳақиқат, тақдир деганлари ғалати нарса экан. Ўз жигарларини ташландиқ ҳолга солганлар ҳам, тирноққа зор бўлиб, бола асраб олиш илинжида масканга ботбот мурожаат қилаётганлар ҳам кўп. Меҳрибонлик уйи, мана, саккиз йилдирки, фарзандталаб оилаларга бола қувончини ҳадя этиб, кўплаб инсонларга ота-оналик бахтини инъом қилмоқда. Ҳозирга қадар 300 нафардан зиёд бола меҳрибон ота-оналари бағрида шўх-шодон умргузаронлик қилмоқда.

Меҳрибонлик уйида ҳозирланган шарт-шароит, саранжом-саришталик, илиқ оилавий муҳит ҳам киши дилини равшанлаштиради. Шаҳар ҳокимлиги, қатор ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, қолаверса, хайру саховатли инсонлар бу ерга тез-тез қадам ранжида қилиб, норасидаларнинг аҳволидан бохабар бўлиб туришади. Бироз эсини таниб улгурган болажонлар бу саховатпеша инсонларни бир кўришдаёқ танишади, исмларини ҳам айтиб беришлари мумкин.

Биз гапимизга шу ерда нуқта қўйишимиз мумкин эди. Аммо, бир оиладек аҳиллиноқ маскан ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз бердики, буни эътироф этмоқ, табрикламоқ жоиз. Оила каттаси, жонкуяр ва фидокор инсон, болажонларнинг севимли онажониси Тоҳира Исмоилова алоҳида хизматлари учун юртимиз мустақиллигининг 14 йиллик шодиёналари арафасида Юртбошимизнинг махсус Фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Ўз умрини, меҳнат ва матонатини, ғайрат-шижоатини эл-юрт келажаги давомчилари камолоти йўлидаги нозик хизматга сафарбар этган инсонларнинг фидокорликлари ана шундай юксак даражада эъзозланади. Ҳар қандай шон-шуҳрат, обрў-эътибор эл хизматига ҳалол камарбаста бўлган инсонларнинг ортидан эргашиб юраверади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: *Тоҳира Исмоилова болалар даврасида.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

ТЕРИМЧИ ҲАҚИНИ ХИРМОН БОШИДА ОЛАДИ

римнинг дастлабки кунлариданоқ, бир килограмм пахта учун 35 сўмдан ҳақ тўланди. Иккинчи теримда эса, 45 сўмга чиқарилди. Терган пахтаси ҳақини нақд олиб турган теримчилар манфаатдорлик билан ишлаб, кунлик суръатни бўшаштирмадилар. Натижада, хўжалик октябрнинг ўрталарига бориб, шартнома режасини 103 фоиз қилиб бажарди. Давлатга сотилган 1547 тонна хом ашёнинг 85 фоиздан кўпроғи биринчи навларга қабул қилинди. Мавсум якунида 57 миллион сўм маблағ соф фойдага қолди.

Кўриниб турибдики, йиғим-терим мавсуми иштирокчиларини рағбатлантиришга сарфланаётган маблағлар ўзини қоплашдан ташқари қўшимча даромад ҳам келтираяпти. Таъкидлаш жоизки, пахтадан келаётган даромад оқилона тасарруф этилиб, хўжаликнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, яъни таъминотчи ташкилотларга қарамликдан холос бўлишга сарфланмоқда.

— Мақсадимиз — ўзимизнинг етарли техникамизга эга бўлиш, — дейди хўжалик бош муҳандиси Аслбек Эшмирзаев. — Негаки, туман МТП хизматидан фойдаланишимиз учун ҳар йили ўртача 30 миллион сўм атрофида ҳақ тўлаймиз. Бу пулга битта «Олтой» ёки «ВТ-150» русумли трактор беради. Ўтган йили соф даромад ҳисобидан «Магнум» сотиб олган эдик. Бу йил кўкламда эса «Олтой-Т-4» ва «ВТ-150» занжирли трактор харид қилдик. Чунки, 500 гектар еримизни фақат ҳайдаш учунгина 12 миллион сўм тўлардик. Мана энди, ўзимизнинг техникамизни бутлаб олдик, МТП ёрдамига муҳтожлигимиз қолмади.

Бу йил 480 гектар, шу жумладан, 300 гектар майдондаги уруғлик пахта ҳосили юз фоиз қўлда терилади. Четдан 900 ҳашарчи ва яна шунча маҳаллий уюшмаган аҳоли ҳамда хўжалик аъзолари теримда иштирок этади. Бунинг учун 2500 та этак тайёрлаб қўйилди. Қўлда терилган бир килограмм пахта учун бу йил 42 сўмдан ҳақ тўлаш режалаштирилди. Шуниси диққатга сазоворки, теримчилар бу пулни нақд оладилар. Чунки, даромад солиғини хўжалик ўз ҳисобидан тўлашга қарор қилган.

— Фақат шугина эмас, — дейди бошқарув раиси Фахриддин Каримов. — Биз олти йилдан бери терилган пахтага беш кунлик якунида эмас, ҳар куни ҳақ тўлаймиз. Лекин, бу ҳам ҳаммаси эмас. 1000 килограмм пахта терганга бепул 10 килограмм ёғ берамиз. Беш тоннагача пахта терганлар 50 килограммгача бепул ёғ олади. Бундан ташқари шартнома режасини биринчи бажарган бош пудратчига совутгич, иккинчи бўлиб бажарганга эса рангли телевизор тикканмиз.

Хўжалик мутахассислари ҳосилнинг 80-85 фоизи етилганда теримни бошлаш ва режани 25 иш кунида бажаришни мўлжаллашган. Уларнинг режаларига мувофиқ эртага йиғим-терим оммавий бошлаб юборилади.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



СУРАТДА: *Ўртачирчиқ туманидаги «Янги тўлқин» ширкат хўжалиги бош пудратчиси Абдусамад Пардаев ҳосил чўғидан мамнун.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Olamda nima gap?

МАЙДА ШАҒАЛ КЎМАГИДА

МОСКВА ҳокимияти қишда шаҳар кўчаларини реагентсиз йиғиштириш учун 44 та махсус тозалаш машинаси харид қилиш ниятида.

Яхмалакка қарши майда шағалдан фойдаланиш назарда тутилмокда. Одатда кимёвий реагентлар сотиб олинадиган ва бундан буён тежалиши кутилаётган маблағлар кўча фаррошлари ва тозаловчи машиналар ҳайдовчиларига иш ҳақи тўлаш учун йўналтирилади.

БОШ ВАЗИРЛИККА НОМЗОД

УКРАИНА президенти Виктор Юшченко Олий Рада кўриб чиқиш учун бош вазир лавозимига Юрий Еханурев номзодини тавсия этди.

Маълумки, 8 сентябрь куни Юлия Тимошенко бошчилигидаги собиқ ҳукуматга истеъфо берилганди. Юшченко янги вазирлар маҳкамасини шакллантириш вазифасини шу пайтгача Днепропетровск области маъмуриятига раҳбарлик қилиб келган Юрий Еханурова топширди.

ТАН ОЛИНГАН МАҒЛУБИЯТ

НОРВЕГИЯда 11 сентябрь куни ўтказилган парламент сайловларида Ишчилар, Социалистик сўл ва Марказчи партиялари иттифоқи ғалаба қозонди.

Бош вазир Кьелл Магне Бондевик мазкур сайловлардаги ўз мағлубиятини тан олди ва мамлакат бюджети парламентига тақдим этилган заҳоти истеъфога чиқажагини маълум қилди.

ЮК УЧУН ҲУЖЖАТ КЕРАК

ЛИТВА божхона хизмати 2006 йил 1 январдан бошлаб Россия транзит поездлари юклари ва йўловчиларнинг багажлари учун мажбурий божхона расмийлаштируви жорий этмоқчи.

Калининград темир йўллари матбуот хизматидан хабар қилишларича, литвалик божхоначилар кейинги йилдан бошлаб, Калининградга келаётган ва у ердан жўнаб кетаётган йўловчилардан юкларнинг божхона декларацияларини тўлдиришни талаб қиладилар.

КЎМАКЧИЛАР ЁРДАМГА МУҲТОЖ

АМЕРИКА Қизил Хоч жамияти вакиллари яқин ҳафталар мобайнида уларга қўшимча 40 минг кўнгилли керак бўлишини маълум қилдилар.

Бу одамлар «Катрина» довули қурбонларига ёрдам бериб чарчаган кишиларни алмаштириш учун зарур. Ҳозирги пайтда Қизил Хоч кўнгиллилари ихтиёрида 160 мингдан зиёд одам бор.

«O`ZBEKTELEKOM»НИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ

«O`zbektelekom» акциядорлик компаниясининг етакчи телекоммуникация оператори корпоратив облигацияларининг олди-сотди шартномаларини тузиш ишлари якунланди. Жойлаштирилган қимматли қоғозларнинг жами миқдори 2,0 миллиард сўмни ташкил этди.

Қимматли қоғозларни чиқаришдан нафақат облигация эмитентлари, балки эмиссиянинг даромадли шартлари туфайли мамлакатимизнинг йирик оператори облегацияларига ўз маблағини қўйиш имконига эга бўлган инвесторлар ҳам манфаатдордир.

Сармоядорларнинг «O`zbektelekom» облигацияларининг катта қисмини сотиб олишга иштиёқманд бўлишига қарамай облигацияларни чиқариш бўйича андеррайтер бўлган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва инвестиция маслаҳатчиси «Avesta Investment Group» сармоядорларнинг диверсифициялаштирилган портфелини шакллантириш йўли билан харидорларнинг кенг доираси ўртасида облигацияларни жойлашишини таъминлади. «Avesta Investment Group» ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан «O`zbektelekom»нинг молиявий аҳволи барқарор деб баҳоланади. Облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни интернет тармоқлари тизимини кенгайтириш, CDMA 450 технологияси асосида симсиз радио алоқани таъминлашга йўналтириш мўлжалланмоқда.

«Туркистон-пресс».

ЎҚУВ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Тошкентда «RIETR» Швейцария компаниясининг тўқимачилик машинасозлиги бўйича ўқув ва хизмат кўрсатиш маркази очилди.

Марказ мутахассисларининг эътирофича, Ўзбекистон тўқимачилик саноатида малакали билимдон мутахассислар етарли. Тизимдаги деярли барча корхоналар илғор технологиялар билан жиҳозланган. Бироқ янги технологиялар билан ишлашда тажриба алмашиш муҳимдир. Ўзбекистондаги корхоналарнинг аксарияти «RIETR» компанияси ускуналари билан жиҳозланганлиги боис компания ўқув ва хизмат кўрсатиш марказини очишга қарор қилди.

Корхона фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқаришдир. Марказга қиймати 200 минг евро миқдоридаги технологик ускуналар ўрнатилади. Махсус адабиётлар ва кўргазма қуроллари билан таъминланади. Ташкил этиладиган ўқув машғулотлари маҳаллий мутахассисларга юқори технологияга асосланган энг замонавий ускуналарда ишлаш, шунингдек, илмий назарияни амалиёт билан мувофиқлаштириш имконини беради. «RIETR» компанияси томонидан бундай марказлар Хитой ва Туркияда ҳам ташкил этилган. Компания келажакда Ўзбекистонда технологик ускуналар учун эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришга қаратилган янги корхонани ташкил этишни режалаштирган.

«Туркистон-пресс».

ЭНГ КИТОБХОН ОИЛАЛАР

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Энг илғор китобхон оила» республика кўрик-танлови якунланди. Танлов Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда мазкур кўрик-танловни мунтазам ўтказиш яхши анъанага айланиб бормоқда. У юртимизда оилавий китобхонликни кенг тарғиб этиш ва ривожлантириш, аҳоли, айниқса ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларини чуқур сингдириш, миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизга эътиборни янада кучайтириш мақсадида ўтказилаётир.

Якуний босқичда андижонлик Муқимжон Худойбердиев ҳамда бухоролик Шавкат Аълоев оиласи танлов ғолиби, деб топилди. Самарқанд вилояти вакили Эшон Султонов, пойтахтлик Олимжон Ашуров, навоийлик Муҳаммад Эшниёзов оиласи иккинчи ўринни эгаллади. Сирдарё вилоятидан келган Олимжон Ҳотамов, Жиззах вилояти номидан баҳслашган Ҳалима Ниёзова, Тошкент вилояти вакили Маҳмуджон Файзуллаев оиласи учинчи ўринга лойиқ топилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Бир шикоят изидан

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПИШИ ОСОН БЎЛМАЙДИ

«Деҳқонобод» Бекобод туманининг юқори ҳосилли, сертармоқ хўжаликларидан бири бўлиб келган. Бир пайтлари бу ерда Адолат Рўзматова сингари довруғли пахтакорлар етишиб чиқишган. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар жараёнида уни фермер хўжаликларига айлантириш масаласи кун тартибига қўйилганида туман ҳокимининг ўринбосари Мадамин Махсудов раислигида махсус комиссия тузилди. Таркибида 29 аъзо бўлган бу комиссия котиблигига шу хўжаликда бош иқтисодчи бўлиб ишлаб келаётган Иброҳим Алимов тайинланди.

Туман хўжалик идоралари, қишлоқ фуқаролар йиғини ва хўжаликнинг раҳбар ҳамда мутахассисларидан иборат нуфузли бир комиссияда М. Махсудов аввалбошданоқ ҳамма «ташкилотчилик» хизматларини ўз қўлига жамлаб олди. Туман ҳокими М. Шукуралиевнинг 2003 йил 22 ноябрдаги қарорига биноан «Деҳқонобод» ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ва қарорларнинг ижросини назороат қилиш эса айни шу ҳоким ўринбосари Мадамин Махсудовга юклаб қўйилди.

Оқибатда ишларнинг бориши чин маънода ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ўз ишини ўзи назорат қилиш муҳити аслида назоратсизликни, эътиборсизлик ва юзакичиликни кучайтирди. Йирик бир хўжалик мол-мулки ва ер-сувини ўзининг ҳақиқий эгаларига топширишдек ғоят масъулиятли жараёнда манфаатпарастлик, таниш-билишчилик, кўзбўямачилик авж олди. Фермерлар танловини ташкил этиш ва даъвогарларнинг салоҳиятию имкониятларини баҳолашга енгил-елпи ёндашув юз бериб, нохолислик кучайди.

«Мана, икки йилки, сарсон-саргардонман, — деб ёзади фермерликка даъвогар Абдукарим Йўлдошев «Тошкент ҳақиқати» газетасига йўллаган арзномасида. — Тендер босқичларида комиссия раиси Мадамин Махсудов билан котиб Иброҳим Алимовлар инсонни инсондан камситиб, қалбаки ҳужжатлар асосида рақибим Ғофир Юсуповнинг балларини ошириб кўрсатишди. Натижада у тендер ғолиби деб топилди. Асоссиз равишда кам баллар қўйиб, мени орадан сиқиб чиқаришди».

Ушбу арзномада келтирилган далиллар билан танишиш мақсадида туманда бўлиб, Абдукарим Йўлдошевнинг ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясида сақланаётган ҳужжатларини ўрганиб чиқдик. У суяги далада қотган пахтакорлардан экан. 1988 йилгача отаси билан пудрат даласида меҳнат қилиб келган, кейин ўзи мустақил равишда пудратчи бўлиб иш бошлаган. 1991 йили Бўка қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумини тугатган. Пахта ва ғалла етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини ҳамиша бажариб келган. Ўз фермер хўжалигини ташкил этишга имкон беришларини сўраб ёзган аризасида барча маълумотларни аниқ кўрсатган, тегишли ҳужжатлар тақдим этган.

Лекин Абдукарим Йўлдошев даъвогар бўлган ер майдонларини ўз ичига олган 12-контурга Ғофир Юсупов билан Ҳайдарали Ҳамроқулов ҳам даъвогар бўлиб чиқишди. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичларида Ғофир Юсупов энг юқори — 111 балл тўплаганлиги учун ғолиб деб топилди.

— Ҳайдарали Ҳамроқулов 98 балл олган бўлса ҳам, комиссия қарорини эшитиб, даъвогарликдан воз кечиб кетди, — дейди комиссия раиси Мадамин Махсудов. — Лекин энг кам балл олган Абдукарим Йўлдошев қароримиздан норози бўлиб, ҳамон ёз-ёз қилиб юрибди...

Махсудовнинг важларига ҳайрон қоласан, киши. Ахир, «хомталаш» қилинган айни шу контурдан Ҳамроқулов 27 гектар ер олди-ку?

Дарҳақиқат, Абдукарим Йўлдошевнинг ҳақиқат излаш йўлидаги сарсонгарчилиги чўзилиб кетди. Бир жиҳати шундай бўлиши табиий ҳам. Негаки ҳийла-найранг оқибати бўлган чигалликни ечиш ҳеч қачон осон бўлмайди. Ҳайриятки, Абдукарим Йўлдошев қатъиятли, сабр-бардошли бўлиб чиқди. Унинг ҳийла оворагарчиликларидан кейин вилоят адлия бошқармаси ходимлари ниҳоят танлов ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, 2004 йилнинг 12 апрелида қайта ташкил этиш комиссиясига тақдимнома киритишди. Уни кўриб чиқиш жараёни ҳам комиссия фаолиятидаги яна бир найрангбозликка айлантирилди. Аввало тақдимнома кўриб чиқилган йиғилишга Абдукарим Йўлдошевни таклиф ҳам қилишмади. Кейинчалик маълум бўлишича, аслида мажлис ростманасига ўтказилмаган ҳам. Шунчаки баённома тузиб, аъзоларга имзолатириб қўйишган, холос. Турли идораларга комиссиянинг айрим аъзолари берган тушунтириш хатлари буни яққол тасдиқлайди. Бу комиссия раиси билан котиби ўзлари содир этган нуқсонларни зўр бериб хаспўшлашга уринишларидан бошқа нарса эмасди, албатта.

Шундан кейин Йўлдошев фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. У идорадан рад жавобини олгач, вилоят судининг апелляция ҳайъатига апелляция шикояти киритди. Бу иш 2004 йил 24 ноябрда судья Р. Исломбеков раислигида кўриб чиқилиб, Абдукарим Йўлдошевнинг апелляция шикояти яна рад этилди.

Лекин даъвогар орқага чекинишни асло истамасди. Чунки комиссия фаолиятидаги юзакичиликлардан яхши хабардор эди. Ўзининг ҳақ эканлигига қаттиқ ишонарди. Пировардида шундай бўлиб чиқди. Унинг шикоят аризаси юзасидан фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг раиси Карим Саидов раёсатга киритган протест асосида вилоят судлов ҳайъати судья Р. Исломбеков раислигида бу масалага яна қайтди, ишни такрор кўриб чиқди ва қайта ташкил этиш комиссиясининг 2004 йил 21 апрелдаги 26-қарорининг 12-контурга тегишли қисмини бекор қилиб, комиссияга қайта танлов ўтказиш вазифасини юклади. Ниҳоят, бир ярим йил деганда адолат қарор топди, суд қонуний ажрим чиқарди.

Айни шу ўринда «Деҳқонобод» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясининг фаолиятидаги юзакичилик ва қаллобликларга тўхталиб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз. Чунки, вилоят судининг аниқ хулосасидан кейин ҳам комиссия ўзи йўл қўйган камчиликларни бартараф этишни пайсалга солиб келди. Ҳолбуки, турли даражадаги ҳуқуқшунослар, малакали мутахассислар тегишли ҳужжатларни таҳлил қилиб, комиссия рейтинг баллари шкаласи жадвалини ноқонуний ўзгартириб ва нохолислик, манфаатпарастликка йўл қўйиб, даъвогар Ғофир Юсуповнинг умумий балларини кескин ошириб юборганлигини аниқлашди. Бу йўлда ҳар турли сохтакорликлардан, алдам-қалдамликлардан ҳам тийилишмади. Чунончи, Ғофир Юсуповнинг меҳнат стажларини белгиловчи ҳужжатларига ноқонуний ва қалбаки ўзгартиришлар киритиб, олти балл ўрнига 10 балл беришди. Тендер ўтказилган 2003 йилнинг декабрида комиссияга тақдим этилган ҳужжатлар ичида Ғофир Юсуповнинг оила аъзолари сонини тасдиқловчи маълумотнома йўқ эди. Шунда ҳам унга 7 балл берилган. Яна бир жиҳат диққатга сазовор. Тендер ҳужжатларида унинг 3 та трактори борлиги кўрсатилган ва шу ҳисобдан ортиқча 10 балл берилган. Аслида унинг бир донагина трактори бўлиб, қолган икки трактор йўқ нарса эди. Ана шу ортиқча баллар чиқариб ташланса, Ғофир Юсупов танловда 94 балл олганлиги ойдинлашади.

Аввалбошданоқ бир томонлама, нохолис иш юритган комиссия Абдукарим Йўлдошевнинг амалдаги салоҳиятини икки балл пасайтириб кўрсатган. Бинобарин, унинг ҳақиқий бали 94 эмас, 96 бўлиши керак. Демак, танловда асли Ғофир Юсупов эмас, Абдукарим Йўлдошев устунлик қилган.

Мана шу ҳолатлардан келиб чиқиб, Бекобод туман ҳокими Мирзамашраб Куччиев фуқаро Абдукарим Йўлдошевга фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарорни имзолади. Ниҳоят, ноҳақлик чекинди, адолат тантана қилди. Лекин масалани чигаллаштириб, қалбакичилик ва кўзбўямачиликларга қўл урган, тендер танлови маълумотларини сохталаштирган комиссия раиси Мадамин Махсудов билан котиб Иброҳим Алимовларнинг қинғир хатти-ҳаракатлари ҳали ўзининг ҳақиқий баҳосини олгани йўқ. Орада Абдукарим Йўлдошевнинг бир ярим йиллик оворагарчиликлари, саргардонликлари учун моддий ва маънавий зарарларни қоплаш масаласи ҳам турипти.

... Комиссия раиси билан суҳбатимиз поёнига етиб қолган пайтда хонага бир аёл кириб келди. У ҳам шу комиссия фаолият кўрсатган хўжаликдан ер олиб, фермер хўжалиги ташкил этган экан. Туман паспорт столида ишловчи турмуш ўртоғи қамалиб қолганлиги учун хўжалик ишларини юритолмай қолишибди. Шунинг учун савдо ишлари билан шуғулланмоқчи экан. Шу суҳбат чоғида маълум бўлдики, «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги замирида фермер хўжаликлари ташкил этиш учун тузилган комиссия йўл қўйган нуқсонлар ҳали тамомила ечим топган эмас. Бир киши ишни чигаллаштириб, ўнлаб идоралар уни ечиш билан йиллаб овора бўлади дейилгани шу эмасми, аслида?

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

Қишлоғимизда Насриддин бува исмли ажойиб инсон яшаб ўтган. Ҳамма у кишини даланинг пири деб атарди. Чунки, қишлоқ хўжалиги, унинг техника ва технологияси, қолаверса, чорвачилик бўйича ҳам Насриддин буванинг олдиларига тушадиган киши бўлмаган. Бу соҳалардаги бир қатор ихтироларини қамқишлоқлар ҳамон қўллаб келишади.
У кишининг ибратли ҳаёти ва ўзлари суйган соҳаларида қилган янгиликлари ҳақида қишлоқдаги одамлардан кўп эшитганман. Бундай қизиқарли ҳикоялар ҳамон эл орасида тилдан-тилга кўчиб юради.

САБЗИНИ ҲАМ ЎТОҚ ҚИЛАДИМИ?

Рўзғорга бироз ёрдам бўлар деб ҳовлимиздаги томорқага сабзи сепгандик. Аксига олиб ўша йили эрта баҳор серёғин келиб, сабзини роса ўт босди. Дам олиш куни эди, отам эрта саҳарда ҳаммамизни уйқудан уйғотиб, ўтоққа тушиردилар.

— Бай-бай-бай, куннинг қиздиришини қаранг, ҳамирни ерга кўмсанг, нон бўлиб, пишаман, дейди-я, — ишдан қочиш учун шундай нағмалар қила бошладим. Синглим ҳам баҳор офтобида қорайиб кетишини баҳона қилиб, ўзини четга олди.

Ҳа, албаттада, бундай иссиқда одамга сабзи ўтоқ ёқармиди, ўлмаган деҳқонларнинг жони.

Кун қиёмга келдиямки, икки метр нарига силжимагандик.

Хунобимиз ошиб, пешонамиздан тер қуйиб, ерга тирмашаётгандик, эшикдан кириб келган қўшнимиз Асқар ака жонимизга ора кирди.

— Э, нима қилаяпсизлар? Сабзини ҳам ўтоқ қиларканми? Насриддин буванинг усулини қўлласангиз, бу азобдан қутиласиз-қўясиз, — деди қўшнимиз, бизга ачингандек. — Агар, ҳозир керосин олиб келиб сепсангиз, эрталабгача бегона ўтдан асар ҳам қолмайди.

Шу куни кечга томон отам қаердандир катта идишда керосин топиб келдилар. Сабзига аямай, сепдик. Эрталаб қарасак, эгатлардаги бегона ўтлар керосин таъсирида қуйиб кетибди, сабзилар эса худди аскарлардек тик терилиб турарди. Кечки дастурхон атрофида отам сабзи ўтоқдаги Насриддин буванинг қилган ихросини гапириб бердилар.

Иккинчи жаҳон уруши арафалари экан. Насриддин бува Хонобод қишлоғидаги «Қорасув» хўжалигида механизатор бўлиб, ўша пайтдаги керосинда юрадиган илк тракторлардан бирини ҳайдар эканлар. Бир куни хўжалик раиси бувани чақиртириб, қишлоқ этагидаги ерларга сепилган сабзи эгатларини культивация қилишни буюрибди. Эртасига саҳардан то кун ботгунича сабзи пайкалида трактор овози тинмабди. Бугунги ишни эртага қолдиришни истамаган механизатор қоронғи тушган бўлсада, культивацияни давом эттирибди. Аксига олиб, сўнгги эгат қолганда тракторнинг мотори тихирлик қилибди. Кун кеч бўлиб қолгани учун Насриддин бува уни тузатишга уринмабди. Эртаси тонгда келиб, бир зумда тракторни тузатиб, уни яна бир бор кўздан кечириш учун атрофини айланибди. Не кўз билан кўрсинки, ёқилғи идишидан оққан керосин эгатдаги бегона ўтларни куйдириб юборган, аммо, асосий экинга таъсир этмаганди. Сабзи майсалари яшнаб турарди.

Шу-шу Хонободда сабзини қўлда ўташ барҳам топиб, керосин сепиш русум бўлибди.

ДАВОЛАШНИНГ АНТИҚА УСУЛИ

Қишлоғимизга янги кўчиб келган қўшним яхши ният билан бўғоз сигир сотиб олди. Худо берса шу-да, сигир жонивор эгизак туғди. Буни эшитган айрим маҳалладошлар келиб, бузоқчалар катта бўлганда сотиб олишларини айтиб, «заказ» ҳам бериб кетишди.

Буни қаранг, инсон кўзи тошни ёради деганлари шу бўлса керакда. Бир ҳафтадан сўнг қўшним ҳовлиқиб чиқиб қолди.

— Қўшни, бузоқларимга кўз тегибди шекилли, касал бўлиб қолди. Бу маҳаллада сиздан бошқани яхши танимайман, дўхтир топишга ёрдам берсангиз.

Қишлоқнинг мол дўхтирларидан бирини базўр топиб келдим. Эргаш дўхтир бузоқларни кўриб, нима бўлганлигини аниқлади-да, уларга Насриддин бува ўйлаб топган муолажани тавсия этди...

1960 йилларда Насриддин бува хўжаликдаги фермага мудир этиб тайинланди. Ўша пайтларда ҳамма жойда бўлгани сингари бу фермада ҳам бир муаммо бор эди. Эрта баҳорда янги туғилган бузоқлар ичкетар касалига чалиниб, нобуд бўларди. Насриддин бува эса анчадан буён бу муаммони бартараф этиш, бузоқларни сақлаб қолиш йўлларини излаб юрарди. Мудир бўлгач, бу мақсад янада қатъийлашди.

Шу орада у жуда кўп мутахассислар билан суҳбатлашди, маслаҳатлар олди. Ҳар куни касалликнинг сабабларини таҳлил қилар, ўзича тадбирлар белгиларди. Бироқ, бу кутилган самарани бермасди.

Бир куни кечки пайт фермадан қайтган Насриддин бува ётган жойида яна ўша муаммо ҳақида ўйлай бошлади:

— Ичкетар касаллиги ёғли сут таъсирида юз беради, демак бунинг қандайдир давоси бор. Бузоқларнинг ичагидаги ёғларни ювиб тушадиган нарса керак... Бунинг давоси ароқ, — деди ногаҳон ўзига ўзи.

Насриддин бува бирдан хаёлига келган бу фикрдан кўнгли бироз ёришди. Аммо, бу ҳали натижа берадими йўқми, аниқ билмасди.

Эртаси барвақт фермага етиб келган мудир ичкетар бузоқларга ароқ ичиришни буюрди. Бундан ҳайрон бўлган ишчилар, барибир фойдаси йўқ, дегандек эринибгина топшириқни бажаришди.

Спиртли ичимлик таъсирида кечгача чўзилиб ётган касал бузоқлар эртасига оёққа туриб, соғая бошлади...

Ўша йили бу ферма вилоятда чорвадан насл олишда сон ва сифат жиҳатдан биринчи ўринга чиқди. Бу ютуқларнинг бош омили вилоятда оммалашиб кетди.

Ёқуббек ЭРКАЕВ.

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●

ФИФАНИНГ ҚАРОРИ ЎЗГАРМАДИ

Аввал хабар берганимиздек, 10 сентябрь куни Марокашда Осиё футбол конфедерациясининг конгресси бўлиб ўтди. Аммо бу конгресс ФИФА қарорини ўзгартира олгани йўқ. Жумладан, ОФК раҳбари Муҳаммад Бен Ҳаммам қарор юзасидан: «ФИФАнинг Ўзбекистон – Баҳрайн учрашувини такроран ўтказиш ҳақидаги қарори Ўзбекистон терма жамоасини икки карра жазолади, ғалаба қозонган тараф ФИФА қарорининг қурбони бўлди» дея фикр билдирди.

Дарҳақиқат, японияик ҳакам Тошимитсу Йошида техник хатога йўл қўйиб, аввалига терма жамоамизни пенальти тепиш имкониятидан маҳрум қилган бўлса, кейинги жазо ФИФАнинг учрашувни такроран ўтказиш ҳақидаги қарори бўлди.

Ўйинни бошқарган Т. Йошида ОФКнинг обрўли ҳакамлар рўйхатидан ўчириб ташланди ҳамда ФИФА учрашувларини маълум даврга бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Кўриб турганимиздек, хатога йўл қўйган ҳакам жазоланди. Ўйинда юз берган нохуш воқеалар футбол мутасаддилари томонидан тўғри изоҳланмоқда, бироқ уни холисона ҳал этишга келганда, ФИФАнинг ноўрин қарор қабул қилганлиги мутлақо тушуниб бўлмас ҳолдир.

Ҳаммамизга маълумки, аввалига ЎФФ раҳбарлари ФИФАга 3:0 ҳисобида техник ғалаба ёзишни, кейинчалик эса пенальти тепилган вақтдан учрашувни давом эттиришни талаб қилиб, шикоятнома ёзишган эди. ЎФФнинг бу шикоятномасига ОФК раҳбари М. Бен Ҳаммам фикр билдириб, шундай деди: «3:0 ҳисобидаги техник ғалаба ФИФАнинг регламентига зиддир. Ўйиннинг 38-дақиқадан пенальти белгилаш билан бошланишига ФИФА розилик билдирмаганининг сабаби шундаки, назаримда бу шартга кўнилса, энди рақиб бош кўтаради. Менимча бу тўғри эмас».

Шундай қилиб, биринчи учрашув 8 октябрь куни «Пахтакор» марказий стадионида қайтадан бўлиб ўтади. Мухлислар эса такрорий ўйин чоғида терма жамоамизни одоб сақлаган ҳолда қўллаб-қувватлашлари талаб этилади. Боиси — ФИФА бизни огоҳлантирган. Яна бир марта ўйингоҳда тартибсизликлар содир этилса, севимли жамоамиз кейинги учрашувларни мухлисларсиз, яъни бўш ўйингоҳда ўтказишга мажбур бўлади.

Камолиддин АСҚАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ТИРИКЧИЛИК

(Ҳажвия)

Талабалик қисмати шу экан, уч йилда ўн марта квартирадан-квартирага кўчдим. Нозик, сержаҳл, иззатталаб ижарачилардан қутилиб, ниҳоят беғишава бир жой топдим. Бу — «Музқаймоқ» кафеси. Ҳайрон бўлманг, ҳар куни кечқурун қоровуллик қиламан, шу билан бирга бу ер яшаш жойи вазифасини ҳам ўтайди.

Мана бугун магнитофонда Шералини бақиртириб дарс тайёрлаб ўтирсам, эшик тақиллаб қолди. Очсам, сап-сариқ «Тирикчилик» илжайиб турибди. У ёнимиздаги сабзавот дўконининг қоровули. Ҳар икки гапнинг бирида «тирикчилик, тирикчилик», деявергани учун унга ўзимча шундай лақаб қўйиб олганман.

— Чой-пойинг борми, акаси, — деди у эшикдан кира солиб. Сўнг пиёлага қуйилган чойни олиб хўпларкан, мени саволга тутди:

— Хў-ў-ўш, иш топилди деб шу ерда ағанаб ётаверасанми энди?

— Ие, яна нима қилишим керак? — ҳайрон бўлиб сўрадим мен.

— Ҳа, энди тирикчилик деган гап бор... Масалан, мен этикдўзлик ҳам қиптураман. Шўро бозорида.

— Кейин, кечқурун бу ердасиз?

— Уч жойда қоровуллик қиламан. Тирикчилик-да. Рўзғор дегани манави гарданимизда турибди-я.

— Тўғри, хотинингиз ишламагандан кейин...

— Нима деяпсан ўзи? Уям уч жойда фаррошлик қилади. Кундузи Юнусободдаги газ-сув будкада пул майдалайди. Ҳа, энди, бу сезонний тирикчилик. Ойлиги фалон пул. Танга майдалагандаям оз-моз қолади. Яна кечқурун бозорниям супуради. Болачақа едир-ичир, деб турaверaркан, ука.

— Болалар бир этакдир?

— Э, бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади. Бизда иккита, холос.

Ҳамкасбим қўлтиғидан қуйган-буришган иккита нон чиқарди:

— Бозорнинг нони бошқача-да. Қани, ол... Бу ўзлари қаерда ўқийдилар?

— Университетда.

— О, зўр-ку! Кейин кечқурун шу ердасан. Қанча оласан?

— Ҳамма қатори...

— Ҳар куни туриб ҳам-а?

Индамай елкамни қисиб қўйдим.

— Демак, рўйхатда сендан бошқа яна икки-уч киши бор. Биздақалар бўлса, ишга зориқиб юришади...

Мен ҳайратландим:

— Яна қанақа қилиб ишламоқчисиз?

— Э, тирикчилик-да, ука, тирикчилик. Рабочиям ишдан қайтаётиб ҳеч бўлмаса уйига битта гайка опкетади. Бу дўкондан картишка-пиёз тегса, унисидан мева-чева оптурамиз. Тунов куни қовун-тарвуз туширувдик. «Қўлучи»га иккита тарвуз олиб, шундоқ бозорга кирдиму беш юз сўмга пуллавордим. Боплабманми? Кеча китоб дўконида эдим. Бир-иккита дефицит китоб олиб қўйдим. Қўлда тўрт бараварига кетади. Аммо шу дўконни бирорта ошхонага алмашмоқчиман. Гўшт-пўшт чиқиб турарди. Тирикчилик-да... Маражнийдан опке, ука!

— Ҳозир совуқ-ку!

— Текин бўлса, тешиб чиқмас...

У бурнини торта-торта музқаймоқ еди. Тилла тишлари беихтиёр такилдай бошлади.

— Музикангни зарубежнийсидан борми?

Итальянча қўшиқни қўйдим.

— Илгари роса шунақа ўйинларга тушардим-да. Магнитофоннинг арзонроғидан топиб, шунақа музикаларни ёзиб олсам бўларкан. Хотин пул майдалаб турганда ўтган-кетганлари кассета сўраб қолар-а?

Индамадим. «Тирикчилик» яна гап бошлади:

— Ука, ичимликлар қаерда туради?

— Нимага?

— Битта «шампан» керак эди...

— Анови омбор. Лекин эшиги қулф.

— Ғам ема, бу дунёда ман очолмаган қулфнинг ўзи йўқ, — у қўйнидан бир даста калит чиқарди. — Омбор дегани океанга ўхшаган нарса. Тирикчиликка оз-оз олиб турсанг, сираям билинмайди...

— Ие, нима қилмоқчисиз? — қўрқиб ўрнимдан туриб кетдим. — Майли, ўзимда битта бор эди, шуни олақолинг.

Ҳамкасбим кўзимга синовчан тикилиб қолди:

— Раҳмат, ука. Айтмоқчи, бу биз тарафларгаям ўтиб тур. Биламан, иститудент халқи жуда китобхон бўлади. Кеча нариги ишхонага Шукшин деган бозори чаққон ёзувчининг пиёздек оппоқ китоби келувди. Муқовасидаги оқ тойчоқнинг расмини кўриб, курк бўлган товуғимни эслагандим. Бир ўнтасини олиб шкофга териб қўйсанг, совимаган тухумдек ялтираб туради, жониворлар! Эсдан чиқмаса, сенга атаб бирортасини бу постга опкеб қўяман... Биз турдик, бўлмаса...

У шишани қўлтиқлаганича ўзини эшикка урди. «Тирикчилик, тирикчилик» деб қоронғулик қаърига сингиб кетди....

Абдумалик ИСОМИДДИНОВ.

НАЗАРМАТ

КУЗ ИЛҲОМЛАРИ

Тоғлар қаридан,
Қорлар бағридан,
Замин сағридан,
Салқин ел келур.
Куз чиройидан
Гуллар нафаси,
Оромбахш елур,
Она заминда.
Ёзиқ дастурхон,
Ундирган гули
Кўркам, бир жаҳон,
Нозу неъматлар.
Ширин шарбатлар,
Заррин толалар,
Гулшан лолалар.
Дунё бўйлаб у
Йўл тутар карвон.
Деҳқон эккани,
Эллар кутгани,
Азиз армуғон.
Диёрда кезар
Куз илҳомлари
Олтин дамлари.
Уйган хирмонин
Элга атайлаб,
Элтар саралаб.
Касбу корини
Улуғлаб деҳқон,
Сўнг шукроналик-ла,
Синдиради нон.

Шундан кейин

СЕРҲАШАМ МУҲР

Чехия археологлари Прага ёнида қадимий форсларнинг ҳосилдорлик маъбудаси Анахита ҳайкалчаси шаклидаги муҳр топдилар.

Мутахассислар топилма халқларнинг буюк кўчиш даврига мансуб деб ҳисоблашмоқда. Ҳайкалча тилла маржон таққан, олтин рўмолли, яшил ёпинғичга ўралган ҳолатда ўтирган аёл сиймосини ўзида гавдалантирган. У юзини китоб билан тўсиб олган. Ҳайкалчанинг остки қисмидаги муҳр атрофи эса турли тасвирлар билан нақшинкор безатилган. Қадимда фармонбардорлар ўз муҳрларини баҳоят эъзозлашган шекилли.

НОШАРИЙ АНЪАНА

Саудия Арабистони қироли Абдулла якшанба куни бундан буён фуқаролари унинг қўлини ўпишларини тақиқлаб қўйди. Туғишган биродари — Фатҳнинг ўлимидан сўнг, 2005 йил 1 августда тахтга ўтирган бу ҳукмдор давлат раҳбари билан кўришишнинг анъанага айланган бу удумини ношарий деб эълон қилди. Янги тахт эгаси яна қандай одатларни бекор қилишини вақт кўрсатади.

ҒАЛАТИ БОМБАЛАР

Корелияда ноъмалум тизимли, ҳар бири 50 килограммли иккита авиабомба топилди. Уларнинг корпуси бетондан ясалган бўлиб, ҳар бирининг заряди тахминан 1 килограмм тратилга тенг. Шу жойга чақирилган сапёрларнинг айтишича, улар бундай нарсани умрлари бино бўлиб кўришмаган, қолаверса, бу хил бомбалар тафсифи ҳеч бир маълумотномада учрамайди. Замин узра учрайдиган ғаройиботлар беқиёс даражада кўп.

САРГАРДОН ШОДА

Шу йил ноябрда қиймматбаҳо буюмлар кимошди савдоси билан шуғулланувчи Женева аукционида Россия императрицаларидан бири — Елизавета Петровна ёки Екатерина II га тегишли жавоҳирлар шодаси сотилади. Швецариялик ёки француз заргари томонидан XVIII аср ўрталарида ишланган ноёб ва ўта қиймматбаҳо ушбу безак буюми 1917 йилдаги давлат тўнтаришидан сўнг Россиядан олиб чиқиб кетилган экан. Алгов-далғовлар туфайли қанчадан-қанча бойликлар дунё кезиб юрганикин.

Қўриқлаш хизмати

ЯНГИ ШАРОИТДА – ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос томонлари мавжуд. Унинг асосий хусусияти моддий бойликларни яратиш ва уни тасарруф этишдан иборат. Айни шу жиҳатлар яна бир хусусиятни келтириб чиқаради. Бу — яратилган моддий ва маданий бойликларни қўриқлаш. Жамиятда моддий бойликлар қанчалик кўпайса, уларни кузатиш ва қўриқлаш идоралари, воситаларига эҳтиёж ортиб боради.

Маълумки, ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш хизмати мамлакатимизда давлат миқёсида мулкларнинг ҳимоясини таъминлаш борасида хизмат кўрсатаётган ягона ихтисослашган ташкилот ҳисобланади. Техника тараққиёти бу хизматни замонавий, қулай ва ишончли хабар бериш ҳамда бошқа зарурий жиҳозлар билан таъминлаш имкониятини бермоқда. Қўриқлаш хизмати ходимлари ҳозир Германия, Италия, Корея, Исроил ва АҚШ давлатларида ишлаб чиқарилган қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантириш воситаларидан ҳам фойдаланаётирлар. Уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва ишлатишнинг ўзига хос ижобий томонлари бор.

Бугунги кунда ультратовушли, радиотўлқинли, инфрақизил нурли ва бошқа замонавий ускуналар қўриқлаш тизимида кенг қўлланилаётир. Айни шу жиҳат объектга кирган ҳар қандай шахсни аниқлаш, ёнғинни дарҳол сезиш имкониятини бермоқда. Ўта муҳим ва тоифаланган иншоотларга, банк муассасаларига ўрнатилган ташвиш-огоҳ воситалари ёрдамида корхона ва муассасалар ишончли қўриқланмоқда.

Бундан ташқари корхона ва иншоотларга кираётган ишчи-ходимлар, фуқаролар ўзлари билан ҳар хил портловчи моддалар, ўқотар қуроллар ва бошқа тақиқланган нарсаларни олиб кириб кетмасликлари учун «металлодетектор»лар ўрнатилаётир. Объект ва фуқаролар хонадонларини қўриқлашда симсиз воситалар ўзининг ишончлилиги ва арзонлиги билан ажралиб туради.

Шу йилнинг саккиз ойи мобайнида Қибрай туманида қўриқлаш идоралари ходимлари 2 миллион 289 минг сўмликдан зиёд озиқ-овқат ва бошқа моддий бойликларни ўғирланишдан асраб қолишди. 37 ҳолатда ташмачиларга 582 минг сўм жарима солинди. 63 фуқаро туман суди томонидан огоҳлантирилди. Бир ҳолатда жиноий иш қўзғатилди.

Шаҳар ва туман қўриқлаш бўлимлари ходимлари бу муҳим соҳада огоҳлик ва тезкор чора-тадбирлар кўриш йўлидан бориб, самарали натижаларга эришаётирлар.

Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.

Об-ҳаво

Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 14 сентябрь куни Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15-17, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-19, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

Собир Раҳимов туманидаги хусусий тадбиркор «Мавлонова Шарифа Тохтамуротовна» номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Янгийўл шаҳридаги мактаб томонидан 1991 йилда Пак Наталья Валерьевна номига берилган АТ 487870 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси жамоаси инспекция бошлиғи ўринбосари Юнусов Аюп Ариповичга волидаи муҳтарамаси **САИДАҲОЖИ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-844. Адади 2874. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 2 3 4 5 6